



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кедажати  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 3 декабрь, № 250 (3525)

Жума

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЁН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум,  
кадри юрдошлар!  
Хурматли депутатлар!

Аваламбор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якуновчи сессиясида сиз, азиэлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тиллакларимни изхор этишдан хурсандман. Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофани ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.

Авалло, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва таҳликали замонда эл-юртимизнинг хизматида бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча оғир синов ва тўфонлардан омон сақлашга муяссар бўлганимиз, иш фаолиятимизни ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилга бола-чақамиз билан соғ-саломат қадам кўяётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айти-

шимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биланман.

Парламентимизнинг, сиз, азиз депутатларнинг ўтган давр мобайнида, аввало қонунчилик соҳасида олиб борган фаолиятингиз нафақат бугунги кунимизнинг муаммоларини ҳал этиш, балки, лўнда қилиб айтганда, келажагимизнинг пойдеворини, эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг тамал тошини қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Ўтган беш йил тарих мезонлари бўйича албатта жуда қисқа фурсат, аммо бу давр бизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, Ватанимизнинг юксалиб боришида алоҳида ўрин тутганини катта мамнуният билан қайд этамиз.

Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистонимизнинг: — сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш ва мил-

лий давлатчилигимизни қурш;

— халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш;

— юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни сақлаш;

— асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас ислом динимиз арконларини, миллий удуғ ва аънаваларни тиклаш;

— демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш;

— кенг қўламли ислохотларни ҳаётга татиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.

Сизларга тақдим этилган ҳисоботда ва ҳозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маърузасида, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ор-

тиқ қарорлар қабул қилинган, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг кийфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва бекиёс имкониятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, сиз, хурматли депутатларнинг бу борадаги кўпқиррали ишларингиз ҳолисона таъкидланди.

Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бораётган қайси жабҳа ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламентимизнинг ўрни ва таъсири, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Бугун иқтисодий-иқтисодий тез суръатлар билан ўсиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий тарихий ўзгаришлар рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустақамланаётгани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг қўламли катта қурилишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Кўлга киритилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги намояни, деб баҳола-

сак, ўйламанки, ҳеч қандай хато бўлмайди. Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг осийишта ҳаётини ҳимоялашда қонунларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани хусусида гапирмасдан бўлмайди.

Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчиликни огоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган даъват ва баёнотлар Олий Мажлисининг юксак минбаридан ҳам қайта-қайта янраганини, парламентнинг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир бор эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодий, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий қорхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг қорхоналар ҳўжалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар таррақийтимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар кўрилмасин, муҳокама қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ



2 декабрь куни Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпунсининг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибияти ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларни ҳуқуқий асослаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича катта иш қилганини таъкидлади. Тарихга айланган бир палатали парламент Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва қудратини мустақамлашга улкан ҳисса қўшди. Президент Ислам Каримов депутатлар халқнинг юксак ишончини оқлаганини қайд этди ва беш йил давомида амалга оширилган ишлар учун уларга миннатдорлик бил-

дирди.

Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Хаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда

иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, мамлакат олий қонунчилик органининг юксак минбаридан туриб ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини ўқитди. Шундагина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлаш алоҳида таъкидлади.

Сўнгра сессияда "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокнинг раҳбари, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саи-

сия иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, мамлакат олий қонунчилик органининг юксак минбаридан туриб ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини ўқитди. Шундагина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлаш алоҳида таъкидлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўлаётган иқроси тўғрисида ва Ўзбекистон

дов, "Миллий тикланиш" Ўзбекистон демократик партияси раиси Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари фракцияси раҳбари, Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик, "Адолат" Ўзбекистон Социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳарақати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари Қ.Тошматов сўзга чиқди.

Бу чиқишлар вақтида Президент Ислам Каримов сиёсий партиялар ва блоклар депутатлар фракциялари раҳбарлари ҳамда сес-



амалга оширилаётган ислохотларнинг умумэтироф этилган меъёрида ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳилилиги ҳамма нарсадан устуңлигини таъкидлади.

Сўнгра сессияда "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокнинг раҳбари, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саи-

(Давоми 2-бетда).

## ДЎСТАЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязов жорий йилнинг 19 ноябрь куни Бухоро шаҳрида ўтказган музокаралари чоғида икки томонлама муносабатларга доир барча долзарб масалаларни муҳокама қилган эдилар. Учрашувда икки давлат ўртасидаги чегарага доир масалаларни ҳал этиш борасида ҳам келишувга эришилганди.

Бухоро саммитида мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ўзаро ишончни мустақамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегара бўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга энгиллаштирилган қатнов тартиби ҳамда чегара бўйи вилоятлар ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида ҳуқуматлараро битимлар имзоланган эди.

Олий даражадаги мазкур учрашув самараси ўлароқ, 1 декабрь куни Қоракалпоғистон Республикаси Шуманай туманида Ўзбекистон ва Туркменистон

ўртасидаги давлат чегарасини демаркация қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Чегара ҳудудида чегарачилар, божхоначилар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар. Харбийлар чегара устуңлини ўрнатишга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Султонов ва Туркменистон Бош вазирининг ўринбосари Р.Сапаров чегара устуңлигини очдилар.

Ушбу воқеа муносабати билан ўтказилган митингда демаркация ишлари бошланганини билдирувчи мазкур илк чегара устуңлири Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг Бухоро учра-

шувида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат эканлиги таъкидланди.

Бухорода давлат раҳбарлари имзо чеккан ҳужжатга биноан, Ўзбекистон томондан Хоразм ва Бухоро, Туркменистон томондан Дашоуз ва Лебоп вилоятларининг чегара бўйи пунктларида савдо марказлари очилди. Икки мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудидан ўтиш, яшаш, бориш-келиш тартиби соддалаштирилди. Бир мамлакатга тегишли, лекин бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган ҳўжаликларда хизмат қилувчилар рухсатнома билан ишлашга қўйиб берилди.

Алоҳида эътиборга молик яна бир ма-



сала — чегара бўйи аҳолиси учун чегарадан ўтиб-қайтиш анча осонлашди. Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қоракалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг Туркменистонга чегарадош туманларида доимий яшовчи аҳоли ҳар ойда бир марта чегарадан визасиз ўтиб, уч кун давомида Дашоуз ва Лебоп вилоятларида меҳмон бўлиши мумкин ва аксинча. Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари эса чегарадан визасиз икки марта ўтиш ва жами етти кунгача қолиш мумкин.

Бу келишувнинг аҳамиятини айниқса чегарадаги вилоятлар аҳолиси жуда

(Давоми 2-бетда).

## Минг километр ортда қолди

Республикаимиз Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат оммавий марафони иштирокчиларини Жиззах вилояти жамоатчилиги,

спорт фахрийлари Фаллаоролда карнай-сурнай садолари остида кўтиб олишди.

Бу ерда улар сафига миллий спортимиз жонкуяри, жиззахлик 70 ёшли Абдумурод Султоновнинг қўшилиши кўп сонли марафончиларга ўзига хос завқ, куч-қувват бағишлади.

Марафончилар Жиззах шаҳри ҳудудида кириб келганларида улар сафига яна бир ярим минг нафардан зиёд ҳаваскор югурувчилар қўшилишди. Шаҳар кўчаларини тўлдирган омма-

вий марафон иштирокчилари 5,5 километр масофани муваффақиятли босиб ўтишиб, байрам кайфиятида шаҳар марказига етиб келишди.

Шу кун оммавий спорт байрами муносабати билан ўтказилган тадбирларда минг километрдан зиёд масофани забт этган энг яхши марафончилар, фахрий спортчиларга вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликларининг эсдалик совгалари топширилди. Кеңкурун эса вилоят «Маҳалла маркази»да қабул маросими ўтказилди.

Кеча эрталаб оммавий марафон иштирокчилари Жиззахдан Гулистон томон йўлга чиқилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЁН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

талаблари билан ҳамоҳанг эканини, улар халқро қонуний андозаларига жавоб беришини, узоқ ва давомли келажакимизни кўзлаб қабул қилинганини алоҳида қайд этиш зарур.

Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қадриятлар одамларимизнинг тафаккурига чуқур сингиб боришига қатъиямнат беришимиз ва ўйлашганимиз, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Янги жаҳият қуриш йўлида, демократиянинг энг катта шартини ва белгисини бўлиши ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи — яъни, қонун қиравчи, ижро этишчи ва суд ҳокимиятини ана шу андозаларга суяниб барпо этиш масалалари парламент фаолиятининг асоси ва негизини ташкил этгани эътиборга сазовор.

Шу борада сиз, хурматли депутатларимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунларни, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилганингиз, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда адолат мезонларига суяниш мақсадида қонун ва кодексларнинг қай-

тадан қўриб чиқилиб, уларга зарур ўзгаришлар киритилгани, бундай ҳаракат ва қарорларимизни халқимиз ва халқро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шунингдек, бугунги кунда ҳал қилувчи тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги туб ислохотларни жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар аграр соҳани янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш, унинг самардорлигини ошириш, шу ҳисобидан асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилганини эслаб ўтишимиз бурчим, деб биламан.

Лунда қилиб айтадиган бўлсак, шу қисқа даврда парламентимизнинг, тақрор айтаман, сиз, мухтарам халқ ноибларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва оқсоқлигини ҳимоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли ҳисса қўшганингизни бугун мамнуният билан эътироф этишга барча асослар бор.

Қадри дўстлар! Бугун барчамиз 26 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамокдамыз.

Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқро майдонда ва жон ҳақамияти наза-

рида обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг халқро андоза ва талабларга нечоғлиқ ҳамоҳанг эканини яна бир бор синавдан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.

Тақрор айтишга тўғри келади — бизларни кутаётган бўлгуси сайловлар авваломбор Конституцияимиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошқоқра, четдан ҳеч қандай таъсири ва таъсири ўтказмасдан, ҳолисона ва халол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намояндаларининг тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмыз.

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқро конференция ва семинарларда 29 та, авваломбор, демократик давлатлар ва халқро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Шунингдек, Америка, Осиё китъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, экспертлар ва мутахассислар қатнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очиқ, яъни транспарент бир шароитда тайёргарлик олиб бораганимизнинг тасдиғидир.

Ҳеч кимга сир бўлмаганига керак — биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқро ан-

дозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида халқро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг таърибасини маълум, деб ҳисоблаймиш ҳама сайловларга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, ҳолисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадага мувофиқ, деб биламан.

Бу масалада қандайдир қобикқа ўралаб, ҳамма нарса ни ўзимиз биламиз, деб тепадан келиш, бошқаларнинг таърибасини менсимаслик, маслаҳатига бепасанд қараш каби ҳолатлар бизга номақбул эканини бутун халқро жамоатчиликка намояндаларимизнинг эътиборини зарур.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзуниятимиз ва интилимиз битта мақсадага қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқро қузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламики, сайлов — ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу — аввало қураш, демократия.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳо-мунозара қилиши, қизгин тортишувлар олиб бориши табиий, албатта. Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шуни тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамыз. Ле-

кин, шу билан бирга, сиёсий қураш майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари ҳар қандай вазиётда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг ягона манфаати, миллатимиз бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда қатнашадиган барча сиёсий қучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлимиш.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакилларининг, сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституцияимиз, қонунларимизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдириб, сизларнинг орангиздан ҳам бу қурашда қатнашадиган депутатликка қизиқиб, навбатдаги қаҳриқ депутатлар сайланади, деб ишонаман. Айни пайтда, янги парламент иш бошлагунча Олий Мажлисимиз ўз ваколати доирасида фаолиятини давом эттириб, ишанчлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юқсак минбардан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва ҳимоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сизларнинг саломатлиги, бахту саодати, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

# Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазирини С.Раҳимов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳмадов қўшимча маъруза қилди.

Бу ҳужжатлар муҳокама-сида Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, "Ўзгеобургуфнефтгазқазиб-чиқариш" акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов, Андижон тумани ҳокими Ҳ.Ҳакимов, Фаллавор тумани Тозауруф қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норкулов, Хатирчи тумани Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳҳоров, Бандихон тумани ҳокими Ҳ.Қўтов, "Амбубҳорқалқурилик" 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиги Э.Ҳайдаров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўйилган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Респуб-



раҳбари А.Аҳмедов қатнашди.

Олий Мажлис "Фуқароларнинг жағриб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарорни қабул қилди.

Шундан кейин Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаларини депутатлар муҳокама-сига тақдим этди.

Бу ҳужжатлар юзасидан Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Фарғона тумани марказий шифонаси бош вақри М.Мамажонов, Ургант тумани ҳокими Х.Нуруллоев, "Андижон-гўштсўтсанот" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, "Когонё" қуриладиган заводи дирекцияси директори М.Зайниев, Ўзбекистон давлат жаҳон тилилари университети проректори Г.Боқиева ўз фикрларини билдирди.

Парламент "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни ва уларни жорий

эти тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни ва уларни жорий этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Олий Мажлис "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаларини депутатлар муҳокама-сига тақдим этди.

Бу ҳужжатлар юзасидан Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Фарғона тумани марказий шифонаси бош вақри М.Мамажонов, Ургант тумани ҳокими Х.Нуруллоев, "Андижон-гўштсўтсанот" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, "Когонё" қуриладиган заводи дирекцияси директори М.Зайниев, Ўзбекистон давлат жаҳон тилилари университети проректори Г.Боқиева ўз фикрларини билдирди.

Парламент "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни ва уларни жорий

эти тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабрь куни ўзининг давом эттирди.

СУРАТЛАРДА: сессиядан навларлар.

Сарвар ЎРМОНОВ, Рўзмет ЖУМАИЎЗОВ (ўса) ва Рашид ГАЛИЕВ (ўса) Халқ сўзи оилан суратлар.

## Минтақавий баҳслар якунланди

ТОШКЕНТ (Ўза мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).

Тошкент ахборот технологиялари университетида олий ўқув орталари ўртасида компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати Association for Computing Machineryнинг Шимолий-шарқий Европа минтақаси ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамада Халқ таълими вазириликларининг ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон олий таълим муассасаларидан қирқ тўрт жамоа иштирок этди. Мусобақа автоматик тарзда тестловчи дастурий тизим орқали "он-лайн" режимида олиб борилди ва натижаларни Интернет тармоғи орқали бугун дунёда бевосита қузатиш имкони яратилди.

"UzInfoCom" маркази ва "UzSciNet" интернет хизмати провайдерлари ахборот узатилишини таъминлади. Қўйилган мусобақа баъзилари ениш учун ҳар бир иштирокчи Turbo Pascal, Delphi, C++ каби энг сўнгги компьютер дастурлаш тилларини пухта билиши ва амалиётда беомалол қўлай олиши лозим эди.

Биринчи ўрин Тошкент Ахборот технологиялари университети, иккинчи ва учинчи ўринлар эса қозғистонлик талабаларга насиб этди. Бирок турнирда галаба қозongan маъруза жамоалар келгуси йили Пекин шаҳрида ўтажак жаҳон чемпионати финал босқичида бахш олиб бориш учун зарур баллини жағмага олмади.

Шунингдек, республикамиз мактаб, академик лицей ва ҳас-хўнар коллежлари ўқувчиларининг энг савра тўрт жамоаси дастурлаш бўйича Бутунроссия ҳомадаларо олимпиадаси финалида иштирок этди. Унда Марказий Осиё республикаларининг ўндан ортқ жамоаси масофада бахш олиб борди. Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқувчилари биринчи, пойтахтимизнинг 110-мактаб жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

# 26 декабрь Халқ. Демократия. Сайловлар

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён олий даражадаги ва вазирилик, идораларо мулоқотлар йўлга қўйилди. Ҳамкорлигимиз ҳар томонлама кенгаймоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик тўғрисида ҳужжат имзоланиб, икки томонлама муносабатлар ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Айни кунларда халқимиз муҳим сиёсий тадбир — парламент сайлови арафасида турибди. Ўза мухбири Япониянинг Ўзбекистондаги Факултуд-да ва мухтор элчиси Юичи КУСУМОТО билан шу ҳақда суҳбатлашди.

## Юичи КУСУМОТО: ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлатдир, — деди элчи жа-ноблари. — Мамлакатингиз бую табиий ва меҳнат заҳираларига эгалиги, етуқ мутахассислар етиштиришга улкан эътибори билан ажралиб туради. Юртингиздаги баъзи таълим муассасаларида маърузалар ўқидим. Ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишга жиддий ёндашиши менда катта таассурот қолдирди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Япония расмий доиралари Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қарашади. Собир Бош вазири Иосиро Мориа, мазмурий ишлар вазири Таро Асо ҳамда таълим вазири На-риакэ Накаяма каби ну-фузли давлат арбоблари шулар жумласидандир. Японлар ўзбек халқини доимо дўстона қадрлаб келганлар.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон парламент сайловиға тайёргарлик кўрмоқда. Япония парламентаризм соҳасида катта таърибага эга мамлакатлардан. Қунчикар юрт қонунчилик органи тарихи ва бугунги кунги тўри-

сида сўзлаб берсангиз. — Япония олий қонунчилик органи салкам икки асрлик тарихга эга. Мамлакатимизда биринчи парламент сайлови 1890 йилда, феодал тартиблар йўқ бўлган топанидан сўнг ўтказилган. Уша даврда фақат солиқ тўлай олган фуқароларгина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган. Шу боис, парламентта кўпроқ бадавлат тадбиркорлар ва катта ер эгалари сайланган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония қонунчилик тизими ислоҳ қилина бошлади ва 1946 йилда янги Конституция қабул қилинди. Унга мувофиқ, парламент (юқори) маслаҳатчилар палатаси ва (қуйи) вакиллар палатасидан иборат шаклда ташкил этилди.

Японияда 20 ёшга тўлган барча фуқаролар

тасдиқлайди. Вакиллар палатаси кўпроқ имтиёзга эга. У Вазирлар Маҳкамаси парламентта тақдим этган бюджет лойиҳасини биринчи бўлиб қўриб чиқади.

— Сизнингча, икки палатали парламент Ўзбекистон ҳаётида

асдиқлайди. Вакиллар палатаси кўпроқ имтиёзга эга. У Вазирлар Маҳкамаси парламентта тақдим этган бюджет лойиҳасини биринчи бўлиб қўриб чиқади.

— Икки мамлакатнинг ҳам Осиё минтақасида жойлашгани, Шарқ ўлкаси эканлиги муносабатлар ривожини учун ўзига хос омили бўлмоқда, дедим, янглишмайман.

Япония парламенти делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюриб, бу ердаги ҳамкасблари билан кўп учрашган. Улар ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган. Айни кунларда Япониядан келган мутахассислар сайловдаги семинарларда фаол иштирок этиб, парламентаризм соҳасидаги таърибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Уйлаيمانки, Ўзбекистонда икки палатали парламент қарор топиши ўзаро ҳамкорлигимиз ривожини учун янги имкониятлар яратаяди.

ёрига мувофиқ равишда тақомиллаштириш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги дадил қадамлардандир.

Япония жамоатчилиги юртингиздаги янгилашани ва ўзгаришларни катта қизиқиш билан қузатиб келмоқда. Икки палатали парламент Ўзбекистон учун демократияни тўлиқ қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги парламентарларо алоқалар ҳақида нима дея оласиз?

— Икки мамлакатнинг ҳам Осиё минтақасида жойлашгани, Шарқ ўлкаси эканлиги муносабатлар ривожини учун ўзига хос омили бўлмоқда, дедим, янглишмайман.

Япония парламенти делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюриб, бу ердаги ҳамкасблари билан кўп учрашган. Улар ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган. Айни кунларда Япониядан келган мутахассислар сайловдаги семинарларда фаол иштирок этиб, парламентаризм соҳасидаги таърибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Уйлаيمانки, Ўзбекистонда икки палатали парламент қарор топиши ўзаро ҳамкорлигимиз ривожини учун янги имкониятлар яратаяди.

## ДЎСТАЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

яхши билади. Тақдир тақозоси билан ака-укалар, опа-сингиллар чегаранинг икки томонидан истиқомат қилмоқда. Тўй-майрақда ҳар ким қариндошурулар сафи тўлиб туришини истайди. Дийдор қадрани изохтаб эмас.

— Ўзбек ва туркманнинг тили ва дини бир, маданияти чамбарчас боғлиқ, — дейди мамлакатимизда фаолият юри-таётган Туркман миллий маданият маркази раисининг ўринбосари Собир Дурдиев. — Бу икки халқ асрлар мобайнида бир дардан сув ичиб келган. Истиклол туфайли Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, иқтисодий, маданый соҳаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли муносабатлар йўлга қўйилди. Давлат раҳбар-

ларининг ўзаро борди-келдилари натижасида эришилган келишувлар ҳамкорлик ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

— Бугун халқларимиз Навоий, Махтумқули ва Бердақни бирдай севиб ўқилини, бахши-оқинларимиз қуйлайдиган достонларни ҳаммамиз бирдек севиб тинглашимизни эсламай илож йўқ, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тўленбергенов. — Халқларимизнинг азалий яқинлиги бугун яна бир қарра яққол намоян бўлди. Икки мамлакат Президентларининг келишув туфайли халқларимизнинг бир-бирига меҳри янада кўчайди.

Тадбир икки мамлакат санъаткорларининг концерти билан ниҳоясига этди.

Анвар БОБОЕВ, Ўза махсу мухбири, Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар кун

# Инсон қадр, ЭЪЗОЗИ учун

Бу кун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиясига кўра муҳим сана сифатида қайд этилган.

Албатта, бу сана байрам эмас, аммо у инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳри, ғамхўрлиги, эъзози, қадри сифатида эътироф этилади. Чунки айнан шу кун ногиронлик муаммолари борасида йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб, муҳожама қилинади, келгусидаги долзарб вазифалар режалаштирилади. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилданоқ бунга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Муҳбиримиз шу мавзуда Республика Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Оқил ОБИДОВ билан суҳбатлашди.

— Оқил Обидович, аввало, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашдаги асосий йўналишлар, мақсад ва вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бугунги кунда республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, шу жумладан, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг изчил механизми жорий қилинган ва унинг ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бу йўналишда амалдаги қончиликка асосан давлат томонидан тегишли қарорлар ва имтиёзлар белгиланган.

Маълумки, ҳар йили республикамизда мақсадли Дастурлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Улар аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож барча қатламларига, ногиронларга давлат томонидан белгиланган имтиёз ва қарорларга қўшимча тарзда давлат томонидан тегишли қарорларни қўриштириш қарар қилинган.

— Таъкидлаганингиздек, ногиронларга яратилган имтиёз ва қафо-

латлар қонун асосида амалга оширилган ишлар сарҳисоб, муҳожама қилинади, келгусидаги долзарб вазифалар режалаштирилади. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилданоқ бунга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига асосан ногиронларга пенсия тайинланади ва тўланади. Ногиронлик гуруҳи ва сабабларидан келиб чиқиб, ногиронларга тўланадиган пенсияларга муайян устамалар белгиланади.

Амалдаги қончиликка асосан ногиронларнинг алоҳида тегишли имтиёз ва қарорларга белгиланган. Масалан, улар амбулатория шартларида даволанганда бепул дори-дармон олиш, стационар шартларида даволанганда эса озик-овқат тўловидан озод бўлиш, жамоат транспортида бепул юриш, электр энергияси ва коммунал хизмати тўловлари учун тоvon пулларини олиш ва солиқ тўловлари борасида тегишли имтиёзларга эга.

— Хозирги кунда республикадаги қарийб 2,7 миллион нафар ногирон ва ногиронларга бир йилда 55,3

миллиард сўмлик ёки бошқача айтганда, уларнинг ҳар бирига ойига ўрта ҳисобда 8500 сўмлик имтиёзли хизмат кўрсатилганини айтиб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг ўзига, аҳолининг муҳофазага муҳтож қатламларига тўланган пенсия ва нафақаларга қўшимча тарзда 255 миллиард сўмдан ортиқ имтиёз ва қарорлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси "Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунига асосан муҳтож ногиронлар протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техника воситалари — ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтақлар билан бепул таъминланадилар. Шунингдек, замонавий технологиялар асосида, маҳаллий хом ашёлардан протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида "Ортопедия реабилитацияси" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг қўйлардаги 12 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Натижада йил давомида ногирон аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтақларга бўлган эътиёз тўлиқ қопланапти.

Вазирлик тизимидаги 6 та сикатходда ҳар йили белгиланган тартибда 30 минг нафар ногирон ва ногирон соғломлаштирилмоқда. Бу ишларнинг қўлими охириги йилларда сезиларли орди.

— Ушбулар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар ижтимоий хизмат билан таъминланадилар. Тизимдаги 33 та "Саховат" ва "Мурувват" уйларида 7,2 минг нафардан ортиқ ёлғиз қариялар, ногиронлар давлат томонидан тўлиқ таъминотга олинган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан таъминланган маҳсулотларга асосан барча "Саховат" ва "Мурувват" уйларида капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Яна рақамлар билан айтилган бўлса, жорий йилда бу ишларга 1200 млн. сўмдан ортиқ бюджет ва ҳоимлар маблағлари сарфланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари билан ҳамкорликда шундай уйларида истиқомат қилувчи ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар ҳар йили икки марта — баҳор ва кўзда диспансер қўриғидан ўтказилиб, даволаш-соғломлаштириш чоралари амалга оширилди.

Ногиронлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида биргина шу йили корхона ва ташкилотларга 25 минг нафар ногирон ишга жойлаштирилди. Республика ногиронлар, кўзи оғирлар ва қарияларнинг ҳаётини яқинлаштиришга қаратилган фаолияти тўхтаб қолган корхоналарга 600 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган орқали

4000 нафар ногирон иш билан таъминланди.

— Маълумотларга қараганда, ҳозирда республикамизда ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитацияси борасида 180 та тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, шунингдек, 12 та ногиронлар тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Мен аввало, уларнинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ушбу комиссия ва марказлар республикамиздаги ногиронлик аҳолини ўрганиш, фуқароларнинг меҳнатга қобилиятлик даражасини аниқлаш ва ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш билан машғул.

Реабилитация марказлари ногиронларнинг саломатлигини тиклаш, ижтимоий реабилитацияси борасида уларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация воситалари билан таъминлайди. Ушбу марказларда ҳар йили 12 мингга яқин ногиронга тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати кўрсатилади.

Шу ўринда ногиронларни касбга йўналтириш орқали жамиятдаги фаолиятини таъминлаш борасида тўхталиб ўтсак.

— Меҳр ва мурувват йилида илк бор қатракта асо-

ратлари туфайли ногирон бўлган 2000 нафардан ортиқ кишига сўнғий кўз ғажари қўйилди. Биласизми, бу шунча ногирон тўлақонли ҳаётга қайтди, дегани. Ушбу ишлар учун вазирлик томонидан 50 млн. сўмдан ортиқ ҳоимлар маблағи жалб қилинди.

— Шифокорлар касалликни даволаш керак, бироқ унинг олдини олиш янада муҳимроқ, дейишди. Шу маънода, ногиронликнинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Бу борадаги ишлар самарасини ушбу рақамлар билан аниқлаш мумкин. 2004 йилдан келиб, 2004 йилда беш йил олдингига қараганда 25 минг нафарга камайди. Ҳозирда улар 793,4 минг кишини ташкил этади.

— Муаммолар, келгусида мўлжалланган хайрли ишлар ...

Ногиронлик муаммосининг ечими борасида амалга оширилган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда ўз ечимини қўлга келтириш мақсадида олиб борилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш, янги турдаги протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни таъминлаш, республикада эшитиш мосламалари ҳамда велокўчалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат.

— Муҳтожларга кўмак бериш, уларнинг ҳаётга бўлган умидларини қайта тиклашдек эзгу ишларнинг муваффақиятлар тилаши. Суҳбатингиз учун раҳмат.

«Халқ сўзи» муҳбири Рустам ЁРЛАҚАЕВ суҳбатлашди.



Сўнғи пайтларда оммавий ахборот воситаларида «Ҳарид чекини олишни унутманг»; «Сизга чек беришдан бош тортса, қуйдаги ишонч телефонларига мурожаат қилинг», деган хитоблар деярли ҳар кун эълон қилинмоқда. Баъзилар бунга «Бир парча қоғоз шунчалик муҳимми?» дея эътиборсиз қарайдилар. Аслида-чи? Тахририятимизга шу мавзуга оид кўпмақсадли мактубларнинг аксариятида муштарийларимиз бизга саволлар билан мурожаат қилишган. Қуйда ушбу саволларнинг айримларига жавобларни эътиборингизга ҳавола қилаёلمиз.

## Ҳаммаси НКМ ҳақида

— Назорат касса машинаси(НКМ)дан фойдаланишдан мақсад нима?

Ш. УСМОНОВ, Риштон тумани. — Юридик ёки жисмоний шахс назорат касса машинасидан фойдаланганида қўллик тушум миқдори назорат касса машинасининг хотирасида жамланган боради ва қўллик нақд пул тушуми инкассация қилинади. Инкассация қилинган нақд пул маблағлари белгиланган тартибга мувофиқ банкларга топширилади ва ушбу маблағ тегишли юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади. Шу тариқа муомалада нақд пул ҳажми камайтирилади. Бу тадбир натижасида нақд пул ҳаракатини бошқариш, улар устидан назорат қилиш имконияти ортади. Бу, ўз навбатида, муомалада нақд пул айланиши тезлигини оширади. Пул сибсатини тўғри амалга ошириш эса иқтисодиётнинг барқарорлашуви, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга, пировардида халқ фаровонлигини юксалтиришга олиб келади. Соддароқ қилиб айтганда, нақд пул тўловларини, жумладан, иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва шу каби бошқа тўловларни ўз вақтида бериш имконияти яратилади.

— Юридик ёки жисмоний шахслар ўзларининг инкассация қилган маблағларидан қандай фойдаланишлари мумкин?

Ш. АШУРОВ, Бухоро шаҳри. — Жисмоний ёки юридик шахс хом-ашё, товар сотиб олиш ёки бошқа ҳисоб-китоб операцияларини ўз ҳисоб рақамидан пул кўчириш орқали бажариши ёки зарурат туғилганда ҳисоб рақами очилган банкка мурожаат қилиб, нақд пул олиши ҳам мумкин.

— Қандай шахслар назорат касса машинасидан фойдаланмасдан фаолият юритишлари мумкин?

И. ШОБИТОВ, Шаҳрисабз шаҳри. — Қонунчилик ҳужжатларида юридик ва жисмоний шахслар фаолият юритишлари мабанийда қуйдагилар назорат касса машиналаридан фойдаланмасликлари мумкин: — аҳолига хизмат кўрсатаётганда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича қатъий ҳисобот ҳужжатлари саналган қвтанциялар ёздаги, чипталар ёки уларга тенглашган бошқа ҳужжатларни берадиган шахслар; — газета ва журналлар сотадиган шахслар; — кўча савдон (лавкалар, автомашиналарда сотиш) амалга оширувчи шахслар; — умумий таълим мактабларининг ошхона ва буфетлари; — бозорларда ёрдамчи ҳўжалиқларнинг, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосини амалга оширадиган шахслар.

— Назорат касса машинасидан фойдаланилмаганда қандай жавобгарлик чоралари қўрилади?

О. СИРОЖИДИНОВ, Поп тумани. — Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган субъектлар томонидан назорат касса машинадан фойдаланиш тартибининг бузганлиги учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйдагича жавобгарлик чоралари назарда тутилган: а) назорат касса машинасини қўлласдан, шунингдек қвтанциялар ёзмадан, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларни бериш ёки ёзиш мажбурий ҳисобланган ҳужжатларни бермасдан савдо ва хизмат кўрсатиш чоғида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширганлиги учун — энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан, ушбу жарима ҳазоси қўлланганда кейин бир йил давомида тақоран ҳуқуқбузарлик содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан жарима солинади; б) фискал хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда, техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат касса машиналаридан фойдаланилган тақдирда — энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан, қонда бузиш тақорланганда эса 500 баравари миқдоридан жарима солинади; в) нақд пул тушумини яшириш далили аниқланганида — эришилган нақд пул тушуми миқдоридан жарима солинади.

### Қураш

Марказий Осиё полвонлари — Тошкентда

Бугун Тошкент Давлат аграр университети спорт мажмуасида кураш бўйича талаба ёшлар ўртасида 2-халқаро мусобақага шарт берилади. Талабалар ўртасида миллий курашнинг янада оммалаштириш мақсадида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада мамлакатимиз вақилларидан ташқари Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон республикаларидан келган полвонлар етти вази тоифасида ўзаро баҳс юритадилар.

### Хушхабар

Африкадан медаллар билан

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида армрестлинг бўйича 26-жаҳон чемпионати якунланди. Дунёнинг 35 давлатидан олти юз нафардан зиёд спортчи иштирок этган ушбу мусобақада вақилларимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Ҳамюртларимиз учта кумуш, тўртта бронза медали билан умумжамоа ҳисобида кучли олинкидан хой олишди. Жиззахлик Умид Аҳмедов, тошкентлик Фарид Усмонов ва навоийлик Мирзохид Шароповлар кумуш медалларини қўлга киритиб, жамоамиз муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

З. ЖОНИБЕКОВ.

## БОЛАЛАРГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 октябрдаги фармойишига кўра, юртимизда 10 ноябрдан 10 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Албатта, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад халқ хўжалигининг турли субъектларида ҳамда аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат.



### Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Халқда «Касалнинг олдини олган маъкул» деган ибора бор. Шу маънода, тилсиз олов келиб чиқши оқибатларини аввалроқ бартараф этиш ҳам минглаб одамларга зиён-заҳмат етмаслигининг гаровидир. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, олиб борилган мониторинг натижаларидан маълум бўлишича, хонадонларда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти бепарволик оқибатида келиб чиқмоқда. Бунда, айниқса, назоратсиз қолдирилган болалар гугурт ўйнаши сабабли ўт чиқиб, қанчалаб моддий зарар келтирмоқда. Бундан-да ачинарлиси, ёнғин туфайли инсонлар майиб-мажруҳ бўлмоқда. Айримлари эса ҳаётдан беватқ кўз юмаяпти.

### Халқаро хайрия ёрдами

Тошкент шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйига АҚШ ҳукумати томонидан молиявий ёрдам кўрсатилганда, АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Жон Пуэрнел хайрия ёрдами асосида амалга оширилган ишлар билан ақиндан танишиш мақсадида ушбу меҳрибонлик уйига таширф бурди. Тадбирда АҚШнинг «Ворлд Консерн» ноҳукумат-нотижорат ташкилоти вақиллари Даниэл Ратц, Майк Эдсон, Синди Эдсонлар ҳам иштирок этишди. Болалар ихросидаги шеър ва кўшиқлар тингланди. Эли

### «Ёшлар орасида ОИТСга ўрин йўқ»

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Хусусан 1 декабрь халқаро СПИДга қарши кураш кўнига бағишланган меҳрамга ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилояти Зангиота

### «Ёшлар орасида ОИТСга ўрин йўқ»

туманидаги болалар ахлоқ тузатиш муассасасида «Ёшлар орасида ОИТСга ўрин йўқ» мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда тиббий асбоб ускуналар, дори-дармонлардан иборат мурувват ёрдамлари топширилди. Бу ёрдаги тарбияланувчиларга мос адабиётлар тарқатилди.

Ўз муҳбиримиз.

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт дан 2000 кВт гача бўлган газ, электр, суюқ ва кўмир ёнилғиларида ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар (котел) ишлаб чиқаради ва сотади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16А уй. Телефонлар: 8 (871-71) 54-791, 54-062, 8 (871) 100-69-05. e-mail: harakat\_2004@mail.ru

Дехқон, фермер ва ширкат хўжалиқлари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ ХОМАШЁ БИРЖАСИ 2004 йил 7 декабрь кун соат 11.00 да ем ва кунжара сотиш бўйича аукцион савдоларини ўтказилади. Катнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган кун соат 9.00 дан Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 53-а бинода (Давлат мулк қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади. Аукцион савдоларига қўйиладиган ем ва кунжаранинг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси мол хомашё биржасидан ва унинг Қорақалъа Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.

Давлат ташкилотлари ва ишбилармон давралар вақиллари диққатига! 2004 йил 4 дан 8 декабрга «Ўзэкспомарказ» РКСМда «Эрон Ислол Республикасининг тайёр маҳсулотлар, кичик ва хусусий бизнес технологиялари» иккинчи ихтисослашган кўргазмаси ўтказилади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темура к., 107. Pars Rastak Ministry of commerce Semnan commerce organizer Uzbekistan Exhibition Centre

Юртимизда миллий ҳунармандчилик ҳамда тасвирий санъатга эътиборнинг ошаётгани таъсирга солинди.  
Қўқон шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат коллежи талабалари ана шу ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Унлаб талабалар таълим-тарбия олиш билан бирга, ўз ижод намуналари ила Республика бадиий кўргазмаларида мукофотли ўрнларни қўлга киритиб келишмоқда.



Тоҳиржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

### Ижодкор қизлар Беллашуви

Жиззахда ўтказилган Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар танловининг бу йилги вилоят босқичи қизлар истеъдодининг ёрқин намоёнига айланди.  
Шаҳар ва барча туманларда бўлиб ўтган танловларнинг 40 нафар голиби одатдагидек беш йўналиш бўйича ўз маҳоратлари ва иқтидорларини кўрсатдилар.  
Форишлик Дилафрўз Жавлонова ҳамда галлаороллик Дилафрўз Юсуповлар томонидан тайёрланган зардушлик буюмлари жойларда халқ амалий санъати-

нинг нечоғли кадрланаётганлигини кўрсатган бўлса, зоминлик ёш ижодкор Муҳайё Қўшмонова ўзининг ранг-тасвир асарларида гўзал юртимиз табияти, бойликларини маҳд этган.  
Солиқ инспекцияси назоратчиси Э. Бозорова танловга тақдим этган "Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш" мавзудаги илмий иши ҳам хайъат аъзолари эътиборини қозонди.  
Ғолиблар танловнинг республика босқичида катнашади.  
Б. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

## ЕВРОПА ТАЪЛИМИНИНГ ЭАЧИСИ

— Анжуманимиз Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётгани алоҳида маънога эга. Ғоятда кўпна замоналарда Шарқ ва Ғарбни узаро боғлаган, кўп томонлама ҳамкорликка йўлига айланган Буюк Ипак йўли ХХ аср охирида бамисоли қайта уйғонди, у зиннинг янги ҳаётини бошлади. Ер юзининг бу икки улғу ҳудуди ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари қайтадан боғланмоқда. Буюк Ипак йўли фақат товар алмашинуви, савдо-сотиқ йўлигина бўлиб қолмай, шу билан бирга, бу йўлда бугун маданият, маънавият, маърифат, илм-фан, таълим элчилари ҳам ҳаракатлана бошлади. Темпус дастури — Ғарбдан Шарққа интеллектуал гоғлар маънавиятини кўтариб йўлга тушган ва Буюк Ипак йўлидаги янги эзгу уйғонишларни бошлаб берган фидойилардан биридир...

лари масалаларини ҳал этишга қаратилса-да, лекин шу билан бирга, энди шерик-давлатлардаги давлат ва жамият бошқаруви вакиллари ҳам дастурга жалб этилиб, улар билан бу давлатларда иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот, халқаро муносабатлар, кишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни яхшилаш соҳаларида иш юриштириш энг юқори талаблар даражасига кўтариш борасида таълим-тарбия тадбирлари олиб борилмоқда.  
Темпус Ўзбекистонда 1994 йилдан бун фаолият юрипти келмоқда. Шу пайтгача Ўзбекистондаги

Бўлиб ўтган анжуманда, умуман Темпус Марказий Осиёда бундан кейин ўз фаолиятини давом эттирадими, деган савол ҳам айтилди. Анжуман ишини бошқарган Европа Комиссиясининг таълим ва маданият ишлари бўйича Бош директорлиги раҳбари жаноб Давид Койн бу саволга жавобан, дастур тараққиёт тақозо этаётгани лойиҳалар асосида ва янги ҳуқуқий меъёрларга амалга қилган ҳолда бу ҳудудда ўз ишини давом эттиради, деди.  
Икки кун давом этган халқаро анжуманда «Марказий Осиёда олий таълим: олиб борилаётган ислохотлар ва тараққиёт уфқлари» мавзуга бағишланди. Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилиб, ўтказилган мазкур анжуманда Марказий Осиё давлатлари Олий таълим вазирликлари вазири ўринбосарлари, Темпус дастури миллий координаторлари, Россия, Арманистон, Қозоғистон ҳамда Марказий Осиё давлатларидаги олий ўқув юртлирининг раҳбарлари, Темпус лойиҳалари бўйича Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги шериклари, Темпус Миллий офислари ҳамда бир қатор халқаро донорлик ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Европа комиссиясининг айрим расмий намоёндалари қатнашдилар. Бундай мўтабар давра анжуманининг нуфузини ҳам белгилади.  
Анжуманда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг нати-

### Биз ва жаҳон

олий ўқув юртлирида қизғин бораётган ислохотларга кўмаклашиш учун Темпус дастури ҳисобидан 12,8 миллион ЕВРО маблағи сарф-харажат қилинди. Утган 10 йил мобайнида 50 та лойиҳа маблағ билан таъминланди. Республикаимиздаги 64 та олий ўқув юртидан 29 таси ушбу дастур лойиҳаларида иштирок этмоқда. Дастурда қатнашган истагида бўлган олий ўқув юртлири ҳам ҳозирги кунда анчагина. Жумладан, жорий йилда ўтказилган сўнги танловда 7 та янги лойиҳа бўйича шартномалар имзоланди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлардаги 80 та университет республикамиз олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларда иштирок этиб келмоқда. Лойиҳаларни баҳарлиш давомида кўпгина ўқувчиларимиз Европада қайта тайёрловдан ўтказилди...

жолари, бу ислохотларда Темпус дастурининг ўрни ва фаолияти, ушбу дастур билан ҳамкорликда эришилган самаралар ва ҳал этилиши зарур бўлган масалалар муҳокама этилди. Анжуман қатнашчилари, шунингдек, Болон жараёни фаолияти ва унда рўй берган сўнги янгиликлар билан ҳам таништирилди. Маълумки, Болон жараёни Европа Иттифоқи мамлакатлари ва улардан ташқарида олий таълимнинг юқоқ Европа андозаси муҳитини яратишга қаратилган.  
Анжуман иштирокчилари 4 та мавзули гуруҳларга бўлиниб, мавзу муҳокамасини янада чуқурлаштириб муҳокама қилдилар. Бу гуруҳларда олий таълим муассасаларининг корхоналар билан ҳамкорлиги, профессор-ўқувчиларни қайта тайёрлаш, юқорида эслатиб беришимиз керак бўлган Марказий Осиёда Болон жараёнига ёндошуви ҳамда олий таълим тизимида таълим сифатини кўтариш масалалари атрофида таҳлил этилди, шу масалаларга дидр маърузалар тингланди ва қизгин баҳслар бўлиб ўтди.  
Шунингдек, анжуман давомида таълим тараққиётининг стратегиясини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларнинг тақдимоти ўтказилди.  
Тошкент анжуманида Темпуснинг минтақалардаги олий таълим туб вазифаларини ҳал этишдаги хизматлари самарали эканлиги яқдиллик билан таъкидланди.  
Михли САҒАРОВ, шарҳловчи.

Бу ажойиб, чуқур фалсафий-сиёсий руҳли сўзлар халқаро Темпус дастури меъморларидан бири, аниқроғи, шу дастурнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий лойиҳаси бошқарувчиси Ева Виетсма хонимга тааллуқли. Шу йилнинг 22-23 ноябрь кунларида Тошкентда бўлиб ўтган Темпус дастурининг навбатдаги йирик минтақавий анжуманида қилган ғоятда сермазун, қизикarli маърузасини Ева хоним ана шундай ҳаяжонли фикрлар билан бошлади.  
Бу улкан маърифат намоёндасининг айтганларида жон бор. Халқаро Темпус дастури Европа Иттифоқи ҳамда Шарқий Европа, Марказий Осиё, Ғарбий Болкон ва Урта Ер денгизи атрофидаги унга шерик давлатлар ўртасида олий таълим муассасалари аро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келаётган бир уюшмадир. Ушбу дастур Европа Иттифоқи Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1990 йилда қабул қилинган. Утган давр мобайнида унинг мuddати уч марта узайтирилди ва учинчи мuddат 2006 йилгача давом этади. Темпус дастури ер юзининг улкан минтақаларида ўзига бўлган қизиқини самарали оқлаб келмоқда. 1990 йилдан бошлаб Темпус дастури доирасида 2200 га яқин Қўшма Европа лойиҳалари амалга оширилди ва уларга 1 миллиард ЕВРОдан кўпроқ миқдорда маблағ сарфланди. 1990-2000 йиллар орасида Темпус дастурига мувофиқ амалга оширилган ишлар Европа Иттифоқига шерик-давлатлар олий таълим тизимини ислоҳ қилишда кўндаланг турган бир қатор фундаментал муаммоларни ҳал этишга қаратилди. Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар бағридаги олий ўқув юртлири профессор-ўқувчилари билан ҳамкорликда тузилган ўқув дастурлари шерик-давлатларга ўз ўқув-услубий материаллари ҳамда таълим-тарбия услубларини улар билан қиёслаш ва қайта қуриб чиқиш, ўзларидан мавжуд таълимни илғор замонавий андозаларда қайта ташкил этишлари учун имконият яратди. Дастурнинг Темпус-III деб ном олган сўнги босқичи 2000-2006 йилларга мўлжалланган бўлиб, гарчи аввалги босқичларда бўлганидай, бу босқичда ҳам диққат-эътибор олий ўқув юр-

**«ХАМКОРБАНК»**  
Азиз юрtdошлар!  
«Хамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки сизларга янги омонат турини таклиф этади.  
**«Хаммабоп»**  
деб номланган ушбу омонатга 6 ой мuddатга маблағларингизни қўйиб, йиллик 30,2%гача даромад олишингиз мумкин.  
Энг кам бадал — 1000 сўм. Омонат бўйича фойз тўловларини ҳар ой олишингиз мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: (3-3712) 45-62-33, (8-3742) 24-70-91.  
**«Хамкорбанк» — сиз учун ишончли ҳамкор.**

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН **ЛИНОЛЕУМЛАРНИ** ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.  
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омондан.  
Телефон 134-48-11  
Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли **ТРАНСПИ** қопламаси.  
Товар сертификатланган

**Япония гранти коллежда**  
Хатирчи туманидаги кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг ўқув таъриба базасида келгуси йилдан бошлаб узум ва мева шарбатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.  
Япония гранти асосида ўрнатилган чет эл замонавий ускуналари талабаларнинг мутахассисликлари бўйича янада чуқур билим олишлари, маркетинг хизмати ва ишлаб чиқариш сирларини пухта эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратди.  
Исроил ХОЛБОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗТРАНСТАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи **Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**  
**«ЎЗТРАНСТАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ** шунини маълум қиладики, **Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги 2004 йил 24 ноябрда тасдиқлаган № 19-03-РЎ-93-2004 й. нархлар преисхуратига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2004 йил 1 декабрдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб. метр газ учун 37100 сўм миқдоридан белгиланди.**

**Илмий-амалий анжуман**  
Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Махсус таълим муассасалари педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — таълимда тенгликни амалга ошириш негизи» мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Унда олимлар, тадқиқотчилар, республикамиздаги махсус мактаб, мактаб-интернатлар раҳбарлари ва ўқувчилари иштирок этиди.  
Республикамиз бўйича мактаб ёшидаги алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг 19 минг 500 нафари мавжуд 85 та мактаб-интернатда тахсил олади. Ушбу таълим муассасаларида заиф эшитувчи, заиф кўрувчи ҳамда нуқтида муаммолари бўлганларга саккиз йўналиш бўйича таълим берилди. Анжуманда алоҳида ёрдамга муҳтож болалар учун махсус таълим тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

Алоудин ҒАҒФОРОВ, «Туркистон-пресс».

Жазони ижро этиш муассасаларининг қўрилган мосламаларини қангал тасмирлаш учун мутахассислиги ва руҳсатномаси бўлган ташкилотлар 10 кун ичда қуйидаги телефонларга мурожаат қилишларини сўраймиз.  
Тел.: 8-371-71 3-05-59, 2-68-46, 189-32-63.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси И. Бойжонова волида муҳтарамаси **АМИНА** яннинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихпор этади.

ДА «Ўзбойжойкамгармабанк» жамоаси банк бошқаруви раиси ўринбосари **Фуркат НУРХУҶАЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихпор этади.

**ESENYA** КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ  
**ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:**  
✓ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОғЛАРИ, БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАЛАРИ;  
✓ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;  
✓ БАССЕЙНЛАР, АКВАПАРКЛАР  
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчиси.  
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисиларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.  
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.  
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

**ESENYA** STAR PARK CATALOGUE  
Bau- und Handelinvestition GmbH  
Traunreut - Deutschland  
**БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН**

**AQUALIGHT**  
АВТОЗАПЧАСТИ **КАМАЗ** В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ.  
Адрес: ул. Ақоқит, 177, (ориентири — ул. Ўлмасов, Шумиловский городок).  
Телефон: (998 71) 191-15-06, 191-94-74.

**АВТОШИНЫ ГРУЗОВЫЕ** (Производства ОАО "Нижнекамскшина")  
**АККУМУЛЯТОРЫ** (производства Korea Hyundai Enercol Co., LTD)  
Новые поступления аккумуляторов **"ISTA"** (производства Украины).  
Наименование товара  
215/90-15 SR-254-1  
9,00 R 20 H-142 BM  
9,00 R 20 O-40 BM  
14,00 R 20 OI-215 14 сл. усил. с рег. дав.  
13,00\*530\*533 KAMA-410 рег. дав.  
Емкость, А/час  
12 V 35 AH  
12 V 55 AH  
12 V 62 AH  
12 V 75 AH  
12 V 88 AH  
12 V 90 AH  
12 V 100 AH  
6 CT 55  
6 CT 60  
6 CT 140  
6 CT 180  
6 CT 190  
6 CT 200  
6 CT 225  
ОПТОВЫМ ПОКУПАТЕЛЯМ ПРЕДСТАВЛЯЕТСЯ ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК

**Халқ сўзи Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**  
Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси қўмита бўлиб бошлагани Муҳаммадбўр Йўлдошевга волида муҳтарамаси **ЗУМРАДХОН** яннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

Тошкент Автомобиль-йўллар институти жамоаси автотранспорт корхонаси директори Солижон Абдуллаевга укаси **Ғустам АБДУВАЛИЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

«Ўзгросуғурта» ДАСК Фарғона вилоят дирекцияси жамоаси «Ўзгросуғурта» ДАСК бошқаруви раиси муовини Шуҳрат Нурматовга падари бузрукворни **ЭРКИНЖОН отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлигида 001-рақам билан руйхатта олинган.  
Буғурта Т — 264, 21387 нуқсада бошилди, ҳажми — 2 табоқ. Обьект устулда бошилган.  
Қоғоз бېғими А-2  
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тогиев ва Баҳодир Файиев томонидан саҳифаланди.  
Таърифта ҳажми 5 коғоздан эиба материаллар қабул қилинди.  
[1]-Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — В. Эгизкулов.  
Навбатчи — З. Апураева.  
Мусаҳҳох — М. Ғубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳа а якуни 22.30 Тошпирилди 2 3 4 5 6

2004 йил 3 декабрь № 280 (3525) 4-б.с